



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (71) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛОТОВА
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ

Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ЩАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ**

NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (71)

2024

сентябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:
ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.08.2024, Accepted: 02.09.2024, Published: 10.09.2024

УДК 617.753.2.-084:616-036.2

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАР ОРАСИДА МИОПИЯ ТАРҚАЛИШИНИ БАҲОЛАШ
НАТИЖАЛАРИ

¹Икрамов Отабек Азизбекович <https://orcid.org/0000-0001-8220-3378>

¹Азизбек Фазилович Икрамов <https://orcid.org/0000-0001-8540-7931>

²Муяссар Хамитовна Каримова <https://orcid.org/0000-0003-0983-926X>

¹Дурбек Азизбекович Икрамов <https://orcid.org/0000-0001-9964-5962>

¹Андижон давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Андижон, Отабеков 1 Тел: (0-374) 223-94-60.
E.mail: info@adti

²Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт Маркази 100173,
Ўзбекистон, Тошкент, Кичик ҳалқа кўчачи 14 тел. +998 (71) 217-49-34,
+998 (71) 217-38-45 <https://eye-center.uz/>

✓ **Резюме**

Уибутадекиоти Фарғона вилояти ҳудудида яшовчи мактаб ўқувчилари орасида ўтказилди. Кўриши ўтқирилиги Д.А.Сивцев жадвали ёрдамида баҳоланади. Тиббий кўриклар мактаб педиатри, оториноларинголог ҳамда илмий-тадқиқотчи офтальмолог шитирокида ўтказилди. Фарғона вилоятида фаолият қўрсатоётган мактаблар сони – 1026 та, 2022-2023 ўкув йилида 11 йиллик ўкув жараёнида ўқувчилар сони 690 минг 313 нафарни ташкил этади. Ўқувчилар сони ва мактаблар сонини назоратга олиши, умумий таълим гуруҳлари ўртасида касалликнинг тарқалиши ва уни эпидемиологик таҳлил қилиши муҳим аҳамиятга эга. Қувасой шаҳридаги 33 та мактабдан 15 минг 892 нафар, Марғилон шаҳридаги 38 та мактабдан 40 минг 462 нафар, Фарғона шаҳридаги 67 та мактабдан 60 минг 389 нафар ўқувчи тиббий кўрикка жсалоб қилинган. Фарғона вилоятидаги назорати остидаги мактаблардаги умумий ўқувчилар сони 690 минг 313 нафар бўлиб, шундан 346206 нафарини (50,15%) ўғил болалар ва 344107 нафарини (49,85%) қиз болалар ташкил этади. Ўғил ва қиз болалар сонидаги фарқ унчалик ҳам камта эмас. 2633 нафар текширилганларнинг 667 нафари (25,33%), шундан 314 нафари (11,92%) ўғил болалар ва 353 нафари (13,40%) нафарини қиз болалар ташкил этиб, уларга турли дараҷасадаги миопия ташхиси қўйилган. Тадқиқотда шитирок этган 314 нафар ўғил болалар орасида миопия ташхиси қўйилган бўлиб, улардан 99 нафари 12-15 ёйли (44,1%) ва миопия ташхиси қўйилган 353 нафар қизнинг 118 нафари (43,2%) шу ёйдаги қизлардир. 18 ёйлилар орасида энг юқори қўрсаткич 54 тани (50%) ташкил этди. Бу борада илмий-тадқиқот шилари олиб борилмоқда.

Калит сўзлар: Миопия, мактаб ўқувчилари, ташхислаш.

RESULTS OF ASSESSING THE PREVALENCE OF MYOPIA AMONG SCHOOL STUDENTS

¹Otabek Azizbekovich Ikramov <https://orcid.org/0000-0001-8220-3378>

¹Azizbek Fazilovich Ikramov <https://orcid.org/0000-0001-8540-7931>

²Muyassar Xamitovna Karimova <https://orcid.org/0000-0003-0983-926X>

¹Durbek Azizbekovich Ikramov <https://orcid.org/0000-0001-9964-5962>

¹Andijan State Medical Institute, 170100, Uzbekistan, Andijan, Atabekova st.1 Тел:(0-374)223-94-60. E-mail: info@adti

²Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center for Eye Microsurgery 100173, Uzbekistan, Tashkent, st. Small ring number 14 tel. +998 (71) 217-49-34, +998 (71) 217-38-45
<https://eye-center.uz/>

✓ **Resume**

This study was conducted among schoolchildren living in Fergana region. Visual acuity is assessed using D.A. Sivtsev's chart. Medical examinations were conducted with the participation of the school pediatrician, otorhinolaryngologist and research ophthalmologist. The number of schools operating in Fergana region is 1,026, and the number of students in the 11-year educational process in the 2022-2023 academic year is 690,313. It is important to control the number of students and the number of schools, the prevalence of the disease among general education groups and its epidemiological analysis. 15 thousand 892 students from 33 schools in Kuvasoy city, 40 thousand 462 students from 38 schools in Margilan city, 60 thousand 389 students from 67



schools in Fergana city were involved in medical examination. The total number of students in schools under the control of Fergana region is 690,313, of which 346,206 (50.15%) are boys and 344,107 (49.85%) are girls. The difference between the number of boys and girls is not that big. 667 (25.33%) of the 2633 examinees, of which 314 (11.92%) were boys and 353 (13.40%) were girls, were diagnosed with various degrees of myopia. Myopia was diagnosed among 314 boys who participated in the study, 99 of them were 12-15 years old (44.1%), and among 353 girls diagnosed with myopia, 118 (43.2%) were girls of this age. Among 18-year-olds, the highest figure was 54 (50%). Scientific and research works are being carried out in this regard.

Key words: *Myopia, schoolchildren, diagnosis*

РЕЗУЛЬТАТЫ РАСПРОСТРАНЕННОСТИ МИОПИИ СРЕДИ ШКОЛЬНИКОВ

¹*Икрамов Отабек Азизбекович* <https://orcid.org/0000-0001-8220-3378>

¹*Икрамов Азизбек Фазилович* <https://orcid.org/0000-0001-8540-7931>

²*Каримова Муяссар Хамитовна* <https://orcid.org/0000-0003-0983-926X>

¹*Дурбек Азизбекович Икрамов* <https://orcid.org/0000-0001-9964-5962>

¹Андижанский государственный медицинский институт Узбекистон, Андижон, Ул. Атабеков 1
Тел:(0-374)223-94-60. E-mail: info@adti

²Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр микрохирургии глаза 100173, Узбекистан, Ташкент, ул. Малая кольцевая № 14 тел. +998 (71) 217-49-34, +998 (71) 217-38-45 <https://eye-center.uz>/

✓ **Резюме**

В данном исследовании было проведено среди школьников, проживающих в Ферганском области Ферганской долины. Остроту зрения оценивали по таблице Д.А. Сивцева. Медицинский осмотр проводился при участии школьного педиатра, офтальмолога и отринолога, а также включенные научного специалиста офтальмолога включенные научно-исследовательской группы. Количество действующих школ в Ферганском области - 1026, количество учащихся в 2022-2023 учебном году составил - 690313. Из 33 школ Кувасайского района включены 5 892 учащихся, в 38 школах г.Маргилана составил 40 462 учащихся, в 67 школах Ферганы 60 389 учащихся. Среди учащихся школ Ферганской области, входящих в состав подконтрольной Ферганской долины, 346 206 (50,15%) мальчиков и 344 107 (49,85%) девочек. Сотношения в количестве мальчиков и девочек незначительна. У 667 (25,33%) из 2633 обследованных, из них у 314 (11,92%) мальчиков и 353 (13,40%) девочек диагностирована миопия различной степени. Среди 314 мальчиков, участвовавших в исследовании, диагностирована миопия, из них у 99 - 12-15 лет (44,1%), а из 353 девочек с диагнозом близорукость - 118 (43,2%) девочек этого возраста, причем самый высокий показатель среди 18-летних было 54, составило 50%. В этом направлении проводятся исследовательские работы.

Ключевые слова. миопия, школьники, диагностика

Долзарблиги

Миопия кўриш тизими фаолиятининг пасайиши билан тавсифланадиган касаллик хисобланади. Бунга биринчи навбатда ирсий омиллар, хомиладорлик нуқсонлари, шу билан биргаликда мактабгача таълим ташкилотларидағи ички омилларининг издан чиқиши турли бўёқларнинг ранги ва ёритилганлик даражаси, кунлик овқатланиш рационининг сифати ва бошқа қатор омиллар сабаб бўлади. Бу эса кейинчалик мактаб ичи омиллари ва унга ҳам боғлиқлиги қатор муаллифларнинг ишларида қайт қилинган [1,2,3,6,8,9,10,12, 20, 21].

Мактабларда таълим олаётган ўкувчиларнинг саломатлик ҳолати ва уларнинг фанларни ўзлаштириш, атроф-мухит омилларга қаршилик даражаси, орган ва тизимларнинг функционал ҳолати асосан кўриш фаолияти ва унинг ўткирлиги билан боғлиқлиги қатор илмий нашрларда қайт қилинган. Дунёда ва мамлакатимизда амалга оширилаётган қатор тиббиётдаги ислоҳатларга қарамасдан, мактаб ўкувчилар орасида турли даражадаги миопия кун сайин ортиб бормоқда ва бу борада олимлар илмий тадикотларни амалга ошириб келишмоқда [1,2,4,5,20,21].

Болаларда узокни кўра олмаслик ва ижтимоий тармоқлар орқали ота-оналарни бундан хабардор қилишга мактаб санитария матбуотининг таъсири хитойлик олимлар ишларида кўрсатилди [13,14].

2018 йил 1 октябрдан 2020 йил 31 декабргача Хитойнинг Гуанчжу шаҳридаги 12 та бошлангич мактабларнинг 1-синф ўкувчилари иштироқида кластерли рандомирланган клиник тадқиқот ўтказилган шу билан биргаликда 2 та тумандан 12 та бошлангич мактаблар тасодифий тарзда танланган ҳамда аралашув ва назорат гурухларига ажартилган.



Тадқиқотда иштирок этиш учун барча 1-синф ўқувчилари таклиф этилди, асосий гурухига 688 нафар ўқувчи ва назорат гурухига 752 нафар ўқувчилар киритилган. Назорат гурухидаги ота-оналар учун WeChat ижтимоий тармоғ орқали ҳар ҳафталик саломатлик дарслари бериб борилди. Маълумотлар ўз ичига ота-оналар томонидан тўлдирилган анкета жавоблари ва болалар кўзининг текширув натижалари киритилди.

Бирламчи натижа 2 йиллик узоқни кўра олмаслик ривожланишининг кумулятив частотаси бўлди. Узоқни кўра олмаслик рефракция аномалиясининг (сфера +0,5 цилиндр) сферик эквиваленти (SE) сингари -0,50 диоптрий (D) дан кам бўлмаган.

Иккиласми натижа СЭ рефракция ва ўқ узунлигининг 2 йиллик ўзгариши, ота-оналарнинг хабардорлиги, экран қаршисида болалар ўтказган вакт, очиқ ҳаводаги ҳамда COVID-19 вақтида таълим асбоблари фаолликлари бўлди. Дастребки натижага киритилган 1525 нафар болалардан (835 нафар ўғил болалар [54,8%]; ўртача ёши [SD], 6,3 [0,5] йил), 1244 нафар ўқувчилар якуний баҳоланди; узоқни кўра олмаслик ривожланишининг 2 йиллик кумулятив даражаси асосий гурухидаги 544 (19,5%) болаларнинг 106 нафарини ҳамда назорат гурухидаги 700 (24,4%) болаларнинг 171 нафарида кузатилди (фарқлар 4,9% [ИИ 95%, 0,3%-9,5%]; P = 04,0).

Мактабларда WeChat орқали етказилган ҳафталик оилавий маълумотлар СЭ нинг 0,25 D дан камроқ фарқи билан узоқни кўра олмасликдан касалланишининг 2 йиллик кумулятив кўрсаткичлари пасайишига олиб келди, ўқ узунлигига ҳеч қандай тафовутлар кузатилмади. Бу натижалар дунёнинг бошқа мамлакатларида экстраполизация қилинадими ёки ҳали аниқланиши керак бўлган қисқа ва узоқ муддатли истиқболда клиник аҳамиятли ҳисобланадими.

Мактаб ёшидаги болаларда узоқни кўра олмасликнинг олдини олиш стратегияларида янги маълумотларга эришиш ишларида тақдим этилади [15,16].

Дунё бўйича охирги уч ўн йилликда ёш ахоли орасида аксиал узоқни кўра олмасликнинг ўсиши, асосан, Фарбий ва Шарқий-Фарбий Осиёда кузатилади. Ўқувчилар учун тоза ҳавода машғулотларни мукофотлаш ва экран олдида ҳамда иш олди ўтказиладиган вактни қисқартириш соғлом одатларни шакллантиришга сабаб бўлувчи хавфсиз аралашувларни тақдим этиб, узоқни кўра олмасликни ривожланишининг самарали олдини олиш мумкин. Бизда ҳам миопиянинг ортиши асосан мактаб ўқувчиларнинг олдинги йиллардаги ёритилганлик ҳолатининг пасайиши, мактабларда ўтириш ўринларнинг етишмаслиги ва уларнинг бўй ёш гурухига мос келмаслиги, кунлик рацион таркибидағи тўйинган ёғ кислотларининг етишмаслиги, ўқувчиларнинг уяли алоқа воситаларидан пала-партиш ва ортиқча фойдаланиши сабаб бўлмоқда [8,10, 17,18,19,20,21].

Тадқиқот мақсади: Мактаб ўқувчилар орасида кўриш ўтқирлигини визометрия усулида амалга оширилиб, ушбу усул орқали кўз ўтқирлигини баҳолашнинг стандарт тестини ишлаб чиқиши.

Материал ва усуллар

Тадқиқот ишлари Фарғона водийсининг Фарғона вилояти истиқомат килиб таълим олиб келаётган мактаб ўқувчилар орасида амалга оширилди.

Мактаб ўқувчилар орасида кўриш фаоллигини баҳолаш мақсадида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар амалга оширилди, бошқа мутахасислар билан биргаликда офтальмолог ҳам иштирок этди.

Кўриш ўтқирлигини визометрия усулида амалга оширилиб, ушбу усул кўз ўтқирлигини баҳолашнинг стандарт тест ҳисобланади. Ушбу усул махсус алмаштириладиган линзалардан иборат бўлган махсус кўз ойнак сифатидаги мослама ва жадвал ёрдамида амалга оширилди.

Кўриш ўтқирлиги Д.А.Сивцев жадвали ёрдамида баҳоланади [11]. Ушбу усул мактаб ёшидаги барча ўқувчилар таниш усул ҳисобланади.

Авторефрактометрия – кўзининг шоҳ пардасининг ҳолатини баҳолаш усули бўлиб, махсус мослама асосида баҳоланади. Ушбу усулда миопия, гиперметропия ва астигматизм ва бошқалар баҳолашга ёрдам берадиган усуллардан биридир.

Тадқиқот давомида ушбу мослама радиус, эгирлик, шоҳ парданинг рефракцияси ва нур синдириш ҳусусиятларни аниқлашга ёрдам беради.

Ушбу усул болалар офтальмологияси аҳамиятли ҳисобланиб, кам вақт олади ва юқори аниқликка эгадир. Баҳолашда кўзининг ўтқирлиги диоптрия билан ташхисланиб, миопиянинг паст, ўртача ва оғир даражалари баҳоланди.

Тиббий кўрикда мактаб педиатр, офтальмолог ва илмий тадқиқот ишни режалаштирилган гурухни ташкил қилган офтальмолог иштирокида амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди

Натижга ва таҳлиллар

Назорат остига олган Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларида жойлашган мактаблар сони ва уларда таълим олаётган ўқувчиларнинг сони 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Фарғона водийсининг Фарғона вилоятидаги ҳаракатдаги мактабларнинг сони 1026 тани ташкил қилиб турибди, 2022-2023 ўқув ийлидаги ўқувчиларнинг сони 11 йиллик таълим жараёнида 690313 нафарни ташкил қиласди.

Назорат остига олинган мактабалар ва улардаги ўқувчилар сонининг қайт қилиниши, умумий ўқувчилар орасида хастликнинг тарқалши ва унинг эпидемиологик таҳлилида ахамиятли хисобланади. Қувасой шаҳриджа 33 та мактабда 15892 нафар ўқувчилар қайт қилинган бўлса, Марғилон шаҳрида 38 та мактабада 40462 нафар ўқувчилар рўйхатга олинган, Фарғона шаҳрида эса 67 та мактабада 60389 нафар ўқувчилар қайт қилинган.

1-жадвал

Фарғона вилоятидаги шаҳар ва тумаларидаги мактабларнинг сони ва уларда таълим олаётган ўқувчилар сони, абсолют кўрсаткичда

№	Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманлари	мактаблар сони	Мактаб ўқувчилари сони				
			умумий ўқувчилар сони	ўғил болалар	кизлар		
			абс.	%	абс.	%	
1.	Фарғона шаҳри	67	60389	30372	50,26	30017	49,74
2.	Қўқон шаҳри	53	48312	24177	50,04	24135	49,96
3.	Қувасой шаҳри	33	15892	8503	53,50	7389	46,50
4.	Марғилон шаҳри	38	40462	20428	50,48	20034	49,52
5.	Олтиариқ тумани	50	37423	19089	51,00	18334	49,00
6.	Боғодд тумани	67	40551	20438	50,40	20113	49,60
7.	Бешариқ тумани	62	42391	20786	49,03	21605	50,97
8.	Бувайда тумани	56	45340	22560	49,75	22780	50,25
9.	Дангара тумани	45	31457	15653	49,75	15804	50,25
10.	Қува тумани	73	42963	21518	50,08	21445	49,92
11.	Қўштепа тумани	51	34352	17063	49,67	17289	50,33
12.	Риштон тумани	72	36660	18445	50,31	18215	49,69
13.	Сўх тумани	32	17958	9488	51,03	8470	48,97
14.	Тошлок тумани	52	32404	15903	49,07	16501	50,93
15.	Ўзбекистон тумани	73	43407	21262	48,98	22145	51,02
16.	Учқўприк тумани	57	41246	20768	50,35	20478	49,65
17.	Фарғона тумани	66	37378	18832	50,38	18546	49,62
18.	Фурқат тумани	38	20413	10279	50,35	10134	49,65
19.	Ёзявон тумани	41	21215	10642	50,16	10573	49,84
	Вилоят бўйича	1026	690313	346206	50,15	344107	49,85

Туманлarda мактабларнинг сони жиҳатдан юқори даражаси Қува туманида 73 тани ва улардаги ўқувчилар сони 42963 нафарни ташкил қиласди, Бувайда туманида 56 та мактабда эса умумий хисобда 45340 нафар ўқувчилар қайт қилинган бўлса, Учқўприк туманида 57 та мактабда 41246 нафар ўқувчилар таълим олиши қайт қиласди. Энг паст кўрсаткич эса Сўх, Фурқат ва Ёзявон туманларида қайт қилинган ва Сўх туманидаги 32 та мактабда 17958 нафар ўқувчилар қайт қилинган. Биз тадикот давомида шаҳар ва туманлардаги мактаблар ва улардаги ўқувчилар сонининг қайт қилинишини таҳлили шуни кўрсатадики, хасталикнинг аниқлаш ва тарқалишини таҳлилида хасталикнинг умумий ўқувчилар ва уларнинг ёш ва жинсий градацияни аниқлаш ва аник тарқалиш ҳолатини, мактаблар, ёш ва синфлар кесмида ва хавф омилларнинг таъсир доирасини баҳолашга ёрдам беради. Шу нуктаи назардан биз шаҳар ва туманлар ва мактааблардаги ўқувчиларнинг сонини таҳлили қилишни жоиз деб топдик.

Назорат остига олинган Фарғона водийсининг тарикбий тузилмасига киритилган Фарғона вилоятидаги мактаблардаги ўқувчилар орасида ўғил болалар 346206 (50,15) нафарни ва қиз болалар эса 344107 (49,85%) нафарни ташкил қиласди. Ўғил ва қиз болаларнинг сони жиҳатдан фарқи сезиларли даражада эмас.

Тадикот давомида кейинги вазифамиизда Фарғона вилоятидаги мактабалардаги ўқувчилар орасида тиббий кўрикдан ўтказилган мактаб ўқувчилар орасида ёш кесимида аниқланган миопиянинг умумий натижалари 2-жавалда келтирилган.



2-жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, умумий 2633 нафар текширилгандан 667 нафар (25,33%)ни ташкил қилиб, улардан 314 (11,92%) нафарида ўғил болалар ва 353 (13,40%) нафар қизларда миопиянинг турли даражалари ташхисланган.

Тадқиқотга жалб қилинган 1-синф ўқувчилари орасида 7 ёшларларда 205 нафарида 35 тасида миопия аниқланган ва уларнинг нисбати 17,16%ни ташкил қиласа, ўғил болаларда 7,63%ни, қизларда 9,19%ни ташкил қилди.

Фарғона вилоятидаги 10 ёшлилар орасида жами 225 нафар ўқувчилар орасида 20 (8,21%) нафар ўқувчилар орасида 26 (11,55%ни) қизларда аниқланган ва ушбу ўшда 46(20,51%)ни ташкил қилган ва 7-11 ёшлилар орасида энг кўп тарқалган ҳолат ҳисобланади.

Фарғона вилояти бўйича текширилган умумий 2633 нафар мактаб ўқувчилари орасида 12-15 ёшлилар 928 (35,0%) нафарни ташкил қилган.

2-жадвал

Фарғона вилоятида тиббий кўриқдан ўтказилган мактаб ўқувчиларнинг ўш ва жинс бўйича тақсимоти

Ёш гурухи	Текширилган ўқувчилар	Миопия ташхисланган					
		ўқувчилар		қизлар		жами	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%
7	205	16	$7,63 \pm 4,49$	19	$9,19 \pm 3,29$	35	$17,16 \pm 2,76$
8	224	15	$6,94 \pm 0,96$	21	$9,38 \pm 0,87$	36	$16,64 \pm 0,65$
9	221	12	$5,55 \pm 0,84$	17	$7,69 \pm 1,13$	27	$12,73 \pm 0,69$
10	225	20	$8,21 \pm 0,93$	26	$11,55 \pm 1,32$	46	$20,51 \pm 0,79$
11	227	19	$8,91 \pm 1,17$	19	$8,29 \pm 1,56$	38	$16,31 \pm 0,99$
12	246	21	$8,22 \pm 1,18$	28	$11,36 \pm 1,28$	49	$19,94 \pm 0,84$
13	273	22	$8,62 \pm 1,12$	25	$9,84 \pm 1,31$	47	$17,08 \pm 0,86$
14	207	21	$10,61 \pm 0,98$	26	$12,72 \pm 1,67$	47	$23,91 \pm 0,93$
15	197	35	$17,73 \pm 1,45$	39	$19,24 \pm 1,73$	74	$37,23 \pm 1,11$
16	204	30	$14,45 \pm 1,55$	34	$16,30 \pm 1,83$	64	$31,26 \pm 1,18$
17	206	48	$23,30 \pm 1,14$	46	$22,33 \pm 2,64$	94	$45,63 \pm 1,29$
18	198	55	$27,77 \pm 1,03$	53	$26,76 \pm 1,15$	108	$54,55 \pm 1,13$
жами	2633	314	$11,92 \pm 1,17$	353	$13,40 \pm 1,45$	667	$25,33 \pm 0,89$

Назорат остига олинган 314 нафар ўғил болаларда миопия ташхисланган бўлиб, 99 нафар ўғил 12-15 ёшлилар ташкил қилиб, 44,1%ни ташкил қилган ва 353 нафар миопия ташхисланган қизлардан 118 нафарини (43,2%ни) 12-15 ёшли қизлар ташкил қилган.

Олинган таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, миопиянинг тарқалиши ва аста секин ўш кесимларида кўтарилиши кузатилган, ушбу натижажа эса асосан 14 ўшдан бошланиб, 15-16 ёшлиларда нисбатан 14 ёшлиларга нисбатан юкори натижани кўрсатган. Бу эса 6-7-8 синф ўқувчиларига тўғри келган.

Бундан кўриниб турибдики, мактабдаги таълими бошланишидан ўқувчиларнинг тартибсиз овқатланишга ўтиши, мактабдаги тартибсиз машғулотлар, дарсларнинг мураккаблигини инобатга олмасдан жойлаштириш, етарли даражадаги ёритилганлик ҳолатининг таъминланмаганлиги ва бошқа омиллари сабаб бўлади.

17-18 ўшдаги мактаб ўқувчилар орасида миопиянинг тарқалганлик даражаси бошқа ўшларга нисбатан янада юкори дарражасини ташкил қилган, 17 ёшлилар орасида 45,63% ни, 18 ўшлалар орасида 54,50% ташкил қилганлиги билан ушбу ўшдаги болалар сонидан ҳам фарқли кўрсаткичлар аниқланган, бирок, йил сайин таъсир қилган омиллар ва иккиламчи жинсий безларнинг шаклланиши ва ушбу ўшдаги ўсмирлар ахборот коммунацион технологиялари ва уяли телефонлардан тўлиқ фойдаланишганлиги ва уларнинг фойдаланиш даври кунига 6 соатдан ортиқчалиги, улар мактабдаги режали машғулотларда ва қўшимача дарсларда факат уяли телефонлардан фойдаланишганлиги тиббий кўриқ давомида аниқланганлиги қайт қилинган. Бу асосан нафақат уларнинг кўриш ўтқирлиги ва фаолияти, балким уларнинг асаб руҳий тизимиға ҳам салбий таъсир килиши қайт қилинган. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш ва кўриш ўтқирлиги эрта пасайишини олдини олишга қаратилган соғлом турмуш тарзи ва кўз фаолиятини толикишини олдини олишга қратилган жисмоний дақиқалар, соғлом овқатланиш, даврий тиббий кўриклар ва уларнинг самарадорлигини монитроингни амалга ошириш зарур.

Хулоса

1. Фаргона водийсининг тарикбий тузилмасига киритилган Фаргона вилоятидаги 4 та шахар ва 15 та тумандаги жами 1026 та мактабларда таълим олаётган 7-18 ёшгача бўлган 69031 нафар ўқувчилар орасида ўғил болалар 346206 (50,15) нафарни ва қиз болалар эса 344107 (49,85%) нафарни ташкил қилди. Ушбу мактаблар шахмат усулида илмий тадқиқотга ажратиб олинди.
2. Умумий 690313 нафар мактаб ўқувчилари орасидан вилоят бўйича 2633 нафар текширилгандан 667 (25,33%) нафарида миопия ташхисланиб, улардан 314 (11,92%) нафари ўғил болалар ва 353 (13,40%) нафарини қизлар ташкил қилди.
3. Тадқиқотга жалб қилинган 314 нафар ўғил болаларда миопия ташхисланган бўлиб, 99 нафари 12-15 (44,1%) ёшлиларни ва 353 нафар миопия ташхисланган қизлардан 118 нафарини (43,2%ни) ушбу ёшдаги қизлар ташкил қилган ва юкори кўрсаткич 18 ёшлилар орасида 54,50% ташкил қилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абелькариева Ж.А., Ауезова А.М., Нурбакыт А.Н., Кульжаханова С.С., Жакупова М.Н. Заболеваемость миопией среди населения города АЛМАТЫ //Вестник КазНМУ. 2020;2(1):17-25.
2. Апрелев А.Е. и др. Распространенность миопии и эпидемиологические факторы, обуславливающие ее развитие //Российский офтальмологический журнал. 2022;15(4):144-149.
3. Архипов Г.С., Зяблицкая А.Н., Иваницкая Ю.Н. Влияние показателей искусственной освещенности на заболеваемость миопией среди школьников Республики Алтай //Организационный комитет конференции. 2016; С. 211.
4. Бантьева М.Н., Маношкина Е.М., Матвеев Э.Н. Динамика заболеваемости юношей 15—17 лет в Российской Федерации //Российский вестник перинатологии и педиатрии 2020;65(2):80-85.
5. Ибрагимова Х. Краниометрические параметры лицевого черепа у детей с миопией //Экспериментальная медицина: сегодня и в будущем. 2023;1(1):49-50.
6. Курганова О.В., Маркова Е.Ю., Безмельницына Л.Ю., Пронько Н.А., Венидиктова Л.В. Миопия и другие аномалии рефракции у детей школьного возраста //ПМ. 2018;3:106-109.
7. Курьязова З.Х., Янгиева Н.Р. Вопросы патогенеза и профилактики миопии (обзор литературы) //Журнал "Медицина и инновации". 2021;3:54-61.
8. Кучма В.Р., Шубочкина Е.И. Сафонкина С.Г., Молдованов В.В, Ибрагимова Е.М. Санитарно-эпидемиологическое благополучие образовательных учреждений и риски здоровью детей и подростков //Анализ риска здоровью. 2014;1:65-73.
9. Лукьяннова Е. В. Польза бадминтона при профилактике миопии у детей младшего школьного возраста //Физическая культура и спорт: актуальные проблемы и пути оптимизации. 2021; С.105-109.
10. Мягков А.В. и др. Эпидемиология миопии у детей Российской Федерации и анализ методов ее контроля //The Eye Глаз. 2021;23(2):7-18.
11. Сивцев А.Д. Шрифты и таблицы для исследования остроты зрения. 12-изд.-Москва; Ленинград: Медгиз, 1940; 6 с.
12. Юсупов А. А. и др. Взаимосвязь функциональных и анатомо-оптических параметров глаза при врожденной близорукости //Вопросы науки и образования. 2020;22(106):44-53.
13. Li Q, Guo L, Zhang J, Zhao F, Hu Y, Guo Y, Du X, Zhang S, Yang X, Lu C. Effect of School-Based Family Health Education via Social Media on Children's Myopia and Parents' Awareness: A Randomized Clinical Trial. //JAMA Ophthalmol. 2021 Nov 1;139(11):1165-1172.
14. Li SM, Wei S, Atchison DA, Wang N. Annual Incidences and Progressions of Myopia and High Myopia in Chinese Schoolchildren Based on a 5-Year Cohort Study. //Invest Ophthalmol Vis Sci. 2022 Jan 3;63(1):8
15. Tariq F, Mobeen R, Wang X, Lin X, Bao Q, Liu J, Gao H. Advances in myopia prevention strategies for school-aged children: a comprehensive review. //Front Public Health. 2023 Aug 15;11:1226438.
16. Tham YC, Yam JC, Wang YX, Wong TY. Digital strategies in the global war on myopia. //Lancet Reg Health West Pac. 2023 Aug.
17. Tian F, Zheng D, Zhang J, et al. Choroidal and Retinal Thickness and Axial Eye Elongation in Chinese Junior Students. //Invest Ophthalmol Vis Sci. 2021 Jul 1;62(9):26.
18. Tariq F, Mobeen R, Wang X, Lin X, Bao Q, Liu J, Gao H. Advances in myopia prevention strategies for school-aged children: a comprehensive review. //Front Public Health. 2023 Aug 15;11:1226438.
19. Tham YC, Yam JC, Wang YX, Wong TY. Digital strategies in the global war on myopia. //Lancet Reg Health West Pac. 2023.
20. Tideman JW, Polling JR, Vingerling JR, et al... Axial length growth and the risk of developing myopia in European children. //Acta Ophthalmol. 2018; 96(3):301-309.
21. Tsai D.C., Fang S.Y., Huang N. et al. Myopia development among young school children: the myopia investigation study in Taipei. Invest. //Ophthalmol. Vis. Sci. 2016;57(15):6852-6860.

Қабул қилинган сана 20.09.2024

